



Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

Habar@aci.uz

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2003 yil, 13 iyun, 24 (561)-son

Sotuvda narxi erkin

Одатда бирор бир мақолани ёзишга нимадир туртки бўлади. Уша туртки бўлган мавзу у қайси усулда талқин қилинишидан қатъи назар, жамоатчиликда фикр уйғотиш ва шу тарзда маълум бир муаммони бартараф этишга қаратилади. Ёки бўлмаса ютуқлар талқин қилинган ҳолда тажрибалар ўрганилади.

Тошкент шаҳар Давлат алоқа инспекциясининг асосий вазифаларидан бири шаҳарда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси фаолият юритувчи хўжалик субъектлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати давлат, соҳа стандартлари метёрларига мос келиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун талабларининг бажарилиши бўйича давлат назоратини олиб боришидир. Мазкур йўналишлар бўйича шаҳар Давлат алоқа инспекцияси олдига аниқ вазифалар қўйилган. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги буйруғига биноан Давлат алоқа инспекцияси томонидан тайёрланган "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича ишларнинг самардорлигини ошириш чора-тадбирлари" ҳамда "Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва фуқароларнинг муносабатлари бўйича Давлат алоқа инспекцияси фаолиятининг мажмувий мониторингини тизимини такомиллаштириш дастури" асосида Тошкент шаҳрида муайян ишлар амалга оширилиб, икбий сиёсийларга эришилмоқда.

Тошкент шаҳар Давлат алоқа инспекциясида ташкил қилинган "Ишонч телефони" (136-01-11) миқозларга яна бир қўлайлик яратди. Эндиликда бирор муаммони ҳал этиш учун Республика Давлат алоқа инспекцияси "Ишонч телефони" (137-01-11) га муносабат қилишнинг ҳолати қўлмайди. Муносабатлар бевосита шаҳарнинг ўзига ўрганилиб, муаммолар бартараф қилинади.

Ҳозирда ҳар бир янги амалга киритилаётган соҳа стандартлари ва метёрли ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар доимий равишда тегишли хўжалик юритувчи субъектларига етказиб берилмоқда. Бу эса ўз навбатида уларнинг фаолиятида амалий аҳамият касб этиши ва яқиндан ёрдам бериши мўқаррар. Шунингдек, шаҳар ҳудудида радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан ноқонуний фойдаланувчиларни аниқлаш мақсадида Электромагнит мослашув маркази билан ҳамкорликда қўшма рейдлар ўтказилмоқда. Аниқланган қонунбузарликлар Тошкент шаҳар Давлат алоқа инспекциясига тақдим этилган

ҳужжатлар асосида радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан махсус рухсатномаларсиз фойдаланувчиларга нисбатан тегишли чоралар кўрилади.

Текширишлар ва ўрганишлардан шу нарса маълум бўлдики, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан ноқонуний равишда фойдаланган жисмоний ва юридик шахсларнинг аксарият қисми қонунни билмаган ҳолда бузишган. Бунга сабаб аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари маромида олиб борилмаётган. Аини пайтда Электромагнит мослашув маркази томонидан маъмулда бериб борилаётган эълон ва маълумотларни етарли деб бўлмади. Корхона раҳбарлари ва мутахассисларнинг истеъмолчилар фикрини ўрганган ҳолда телевидение ва радио ҳамда маъмулда мулоқотлар уюштириши муаммоннинг икбий ҳал қилинишида ўз самарасини бериши мумкин.

Тошкент шаҳар Давлат алоқа инспекциясига истеъмолчилардан тушган муносабатларнинг бир қисми халқаро телефон алоқаси хизматига, хусусан қўшни Қозғистон Республикаси телекоммуникация тармоғи миқозлари билан автоматик боғланиш масаласига тегишли. Ушбу масала "Ўзбектелеком" АК томонидан ҳал қилинса шикоят ва муносабатлар бироз бўлсада камайган бўларди. Муносабатларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали томонидан АТСлардаги магистрал ва тақсимловчи кабелларни ҳамда станциялараро иншоотлардаги кабелларни жорий ва капитал таъмирлаш, тақсимловчи шкаф ва телефон қутиларида профилактика ишлари етарли даражада олиб борилмапти. Яна бир муаммо: барча АТСларда вақтбай ҳисобининг юритилмаслиги қатор мушкулликларни келтириб чиқармоқда. Гап шундаки, вақтбай ҳисобиди телефон эгалари аналогли АТСлар миқозларига қўнроқ қилиб, ўзига қайта қўнроқ қилишни сўрайди. Натижала вақтбай бўлмаган аналогли АТС миқози у билан ҳоҳланганга гаплашади. Бундай боғланиш аналогли АТС жиҳозларининг кўп вақт банд бўлиб туришига ва даромадининг маълум қисми йўқолишига сабаб бўлмоқда.

Мақоламизнинг кириш қисмида айтиб ўтганимиздек, келтирилган маълумотлардан ҳар ким ўзига тегишли хулосани чиқаради. Биз яқиний хулосани чиқармоқчи эмасмиз. Мазкур йўналишлар кенг қамровли бўлгани боис, мавзуга яна қайтиш ниятимиз бор. Ана ўшанда сўнги баҳони бериш имкони бўлади.

И.ТўРАҚУЛОВ,
Тошкент шаҳар Давлат алоқа инспекцияси катта инспектори
Л.ТУРСУНОВ,
журналист

ТАЙИНЛАШ



Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг буйруғига кўра **Орифжон Маҳмудович МУҲАММАД-ЖОНОВ** "Xabar" газетасининг бош муҳаррири лавозимига тайинланди.

ПЕНСИЯ ТЎЛОВИ МАСАЛАСИ

Урганч шаҳрида вилоят ҳокимлигининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда "Хоразм почтаси" акциядорлик жамияти ходимларининг кенгайтирилган қўшма йиғилиши ўтказилди. Унда туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиқлари, мутахассислари, "Хоразм почтаси" АЖга қарашли туман почта алоқаси филиали бошлиқлари ва ходимлари иштирок этишди.

Йиғилишда пенсия ва нафақаларни тўлашда Ижтимоий таъминот бўлими ҳамда почта корхоналари томонидан йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф қилиш ва ўрнатилган тартиб бўйича ишни ташкил қилишга оид масалалар кўриб чиқилди. Фуқароларга пенсия ва нафақа пулларини тўлашда ҳар иккала корхона

томонидан белгиланган меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш борасидаги камчиликлар рўй-рост айтилиб, уларни бартараф қилиш чора-тадбирлари белгиланди.

Вилоят ижтимоий таъминот бош бошқармаси бошлиғи Р.Қурбонов ва "Хоразм почтаси" АЖ директори М.Полвоновлар маъсул ходимларга пенсия ва нафақалар тўлаш, ҳужжатларни расмийлаштириш, ҳисоботларни топиришда тегишли кўрсатмалар берди.

Мажлисда ҳозирги шaroитда фуқароларга пенсия ва нафақа пулларини тўлашдаги айрим муаммолар борлиги ҳамда уларни бартараф қилиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

М.ХОЖИБОЕВА,
"Хоразм почтаси" АЖ директор ўринбосари

"ХАВАР"

ҚАНДАЙ БЎЛИШНИ ИСТАЙСИЗ!

Мана ўн бир йилдирки, республикамиз алоқачиларининг наشري — "Хавар" газетаси халқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланмиши алоқа соҳасини баҳолаш-қўдрат ёритиб келмоқда. Эндиликда газета алоқачиларнинг яқин ҳамкори-ҳамроҳига айланди. Аини чоғда олмавий ахборот воситаларига қўйилаётган давр талаби тахририят ходимларининг танимсиз излашини лозимлигини тақозо этмоқда. Ҳўи, "Хавар" газетаси ўқимлигини янада ошириш, уни олоқа хизматининг кўрсони захматкашлари ва мушаррийлари кўнглига яқин этиш учун нима қилмоқ керак? Бу борада ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар борми? Тахририят ва Агентлик раҳбарияти алоқа соҳасининг мутахассис ва мутасаддилари фикрини биши учун Интернет орқали муносабат қилганди. Қисқа муддат ичида электрон почта маъмулига қўнлаб тақлиф ва истақлар тўнди. Шулардан айримларини ҳўксимизга ҳавола этмоқдамиз.

М.МАХМУДОВ, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари:

1. Нафақат мамлакатимиз балки хоржий мамлакатлар алоқа соҳаси ва телекоммуникацияси янгиликларига оид руқнлар билан бойитиш.
2. Газетанин Интернет шаклини жорий қилиш.
3. Саҳифаларни кўпайтириш ва соҳанин раҳбарлари ҳамда етакчи мутахассислари билан кўпроқ суҳбатлар уюштириш.
4. Жорий қилинаётган ва режалаштирилаётган лойиҳалар, илмий мақоаларни чоп этиш.

Азиз мушаррийлар, Сиз ҳам ўз тақлиф ва мулоҳазаларингизни тахририятимизга ёзиб юборинг.


АЛЛО, ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРИ ЭШИТАДИ!

BEVOSITA MULOQOT

Маълумки, мамлакатимиз алоқа корхоналарини малакали кадрлар билан таъминлаш асосан республикамизда ягона бўлган Тошкент ахборот технологиялари университети зиммасидадир. Алоқа тизимининг кундан-кунга ривожланиб бораётгани боис соҳага шу куннинг энг мукамал технологиялари билан ҳам бемалол тиллаша оладиган мутахассислар сув ва ҳаводек зарурлигини ҳисобга олсак, университет олдига нақадар масъулиятли вазифа турганлиги аён бўлади.

Ҳўи, университет раҳбарияти ҳамда педагог жамоаси ушбу масъулиятни нечоғли хис қилиптилар? Талабаларга замонавий тарзда билим бериш қай аҳволда? Университет билан алоқа корхоналари ўртасидаги муносабатлар қандай? Олийгоҳни

битириб, ишга келган кадрлар корхоналар раҳбариятини



каноатлантиряптими? Университетдаги мавжуд муаммолар нималардан иборат?

Хуллас, шу каби ва Сизни кизиқтираётган бошқа саволларга жорий йил, 3 июл куни соат 10.00 дан 13.00 гача Тошкент ахборот технологиялари университети ректори **Содиқжон Собирович КОСИМОВ** 138-64-01 телефони орқали тўғридан-тўғри жавоб беради.

Ўйлаймизки, мазкур "Bevosita muloqot" имиз Университет талабалари, абитуриентлари ва уларнинг ота-оналарини бефарқ қолдирмайди.

Мақбуларингизни Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 108-уй, Тошкент ахборот технологиялари университети ёки Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй, "Xabar" тахририятига йўллашингиз мумкин.

Олдиндан бермоқчи бўлган саволларингиз кўйидаги телефон рақамлари орқали қабул қилинади.

144-29-09, 136-36-42 (факс), 35-10-40 (факс).
Электрон почта манзили: Habar@aci.uz
ТўП@uzrak.uz
"Bevosita muloqot" да тилга олинган долзарб савол-жавоблар газетамизда чоп этилади.

Жамоамизда юздан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Улар турли ёшдаги ходимлар бўлиб, ўз касбларига садоқат билан ёндошади. Шу боис аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш соҳасидаги ишларимиз ёмон эмас. Айниқса хорижликлар билан ҳамкорликда янги рақамли телефон станциясининг ишга туширилиши мижозларни янада мамнун қилди. Кейинги бир йил ичида 9 та шахарларор сўзлашув шахобчалари очилгани ҳам қўлайликлар доирасини кенгайтириб юборди.

Шундай тараққиёт палласида кадрлар билан ишлаш ва уларни жой-жойига қўйиш муҳим талаблардан бири саналади. Бу долзарб масалада раҳбаримиз Бахтиёр ака Шоймардонов билан ҳамфикр бўлмоқдамиз. Ишга қабул қилинаётган кадрга катта эътибор берилгани ҳолда меҳнат пенсиясига кузатилаётган фахрий ходим хурмати ҳам ўрнига қўйилмоқда. Натижада жамоа аъзоларининг аҳиллиги тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сафимизда йил сайин мутахассис ходимлар кўпаймоқда. Яқинда Тошкент ахборот технологиялари уни-

мустаҳкамлигига хизмат қилмоқда. Бу айни пайтда ходимнинг ойлик маошлари ўз вақтида бериб борилишини таъминлаётти. Иш яхши йўлга қўйилиши баробарида ходимнинг моддий манфаатдорлиги ошиб борапти.

Богламамиз раҳбарияти ходимлар билан муносабатда бир ёқламаликдан йироқ туришга интилмақда. Гап шундаки, улардан нафақат унумли ва сифатли иш талаб этилади, балки бозор иқтисоди шароитида қандай истиқомат қилаётганлари ҳам эътибордан четда қолмайди. Кам таъминланган ва кўп болали оилалардаги муаммолар ўз вақтида ўрганилиб, зарур бўлган ёрдам бериб борилмоқда.

Биз фаолиятимизни янада яхшилаб, алоқа ходимларининг эътирозига асло ўрин қолдирмаслик учун интиляётимиз.

М. РАИМОВА,
Денов телекоммуникациялар боғламасининг ходимлар бўлими бошлиғи

ЭЪТИРОЗГА ЎРИН ҚОЛМАЙДИ

верситети битирувчиси Музаффар Иброҳимовни ишга қабул қилдик. У суҳбат чоғида анча билим ва салоҳиятга эгаллигини намойён эта олди. Аммо амалиётда ўша ўқиб давомида олган билимларини тўлақонли кўрсатиши учун тажрибали мураббийга муҳтожлик сезилади. Буни Музаффарнинг ўзи ҳам тан олди. Шунинг учун у тажрибали мутахассисларга биркитилди. Ҳозир Музаффар зиммасига юклаган вазифани бажариш жараёнида билмаганларини улардан сўраб ўрганмоқда.

Ходимларимизнинг шартнома асосида фаолият қўрсатаётгани кўп жиҳатдан фойдали бўляпти. Иш берувчи ва ходим ўртасидаги битим энг аввало интизом

ХУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

“Xabar” газетасига 2003 йилнинг ярим йиллиги учун обуна давом этмоқда! Газетамизга барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

Нашр кўрсаткичи:

Якка тартибдаги обуначилар учун – 227.
Ташкилотлар учун – 228.

“Xabar” газетаси ҳар ҳафтанинг муборак жума куни хонадонингизга кириб боришини истасангиз, обуна бўлишга шошилинг!



YOZGI TA'TIL

ОРОМГОХЛАРГА ЙЎЛ ОЛИШДИ

Ўтган йили Сурхондарё вилояти алоқа ходимлари фарзандларидан 262 нафари Кўхитанг тоғи этагидаги оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришганди. Уларни бу йил ҳам “Бешбулок” ва Генерал Собир Раҳимов номли оромгоҳлар ўз бағрига чорламоқда. Яқинда 50 нафар болакайлар сўлим ҳордиқ масканларига йўл олишди.

Оромгоҳларда болаларнинг мароқли дам олиши учун барча шароитлар яратилган.

Н.ЗИЁЕВ,
Сурхондарё вилояти

МУСОБАҚАЛАР БОШЛАНДИ

Агентлик мажлислар залида мини футбол бўйича 2003 йил Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Республика алоқа ходимлари касаса уюшмаси марказий кўмитасининг кўча кубогини ўтказишга бағишланган ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бир қатор масалалар кўриб чиқилди. Қуръа ташлаш натижасида Тошкент шаҳар алоқа корхоналари мини футбол жамоалари икки гуруҳга бўлинди:

1 гуруҳ	2 гуруҳ
Тошкент ахборот технологиялари университети	“Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали
Махсус алоқа тармоғи	“Ўзбектелеком” АК
“Ўздунробита” ҚК	Давлат фельдшерлик хизмати
“ДЭУ Юнител”	“Алоқабанк” АТБ
“Тошкент Телеком” филиали	“Тошкент телефон-телеграф станцияси” филиали
“Матбуот тарқатувчи” АК	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
	Радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение маркази

Вилоят спортчилари жамоалари ҳам ҳудудга қараб тўрт гуруҳга ажратилди:

Қорақалпоғистон	Жиззах	Бухоро	Фарғона
Хоразм	Самарқанд	Сурхондарё	Наманган
	Сирдарё	Қашқадарё	Андижон
		Навоий	

Худудий мусобақалар июн-август ойларида Тошкент, Нукус, Бухоро, Жиззах ва Фарғона шаҳарларида ўтказилди. Кўча Кубок голиблиги учун финал ўйинлари сентябр ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

Ўз мухбиримиз

FAXRIYLARIMIZ

САКСОН БИЛАН ЮЗЛАШГАН ҚАРИЯ

Сапарбой ота Колжоновни Хўжайли туманидаги “Қорақалпоғистон” деҳқон-фермер хўжалиги бирлашмасидаги аҳолининг ёшу қариси танийди. Уни ҳурмат билан Сапарбой почтачи дейишади. Дарҳақиқат шундай. Шу кунларда саксон ёшни қаршилаётган меҳнат фахрийси, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, эл севган фидокор бу инсон ўзининг ҳалол меҳнати билан обрўга эришганлардандир. У ўша пайтлардаги “Коммунизм” номли колхознинг Қулаб алоқа бўлимида аввал почтачи, сўнгра 1990 йил – нафақага чиққунга қадар шу алоқа бўлими бошлиғи вазифасини бажарган. Меҳнатда тобланган С.Колжонов ҳақида аҳолидан фақат яхши гаплари эшитасиз.

— Урушдан сўнгги пайтлар эди, — ҳикоя қилади отахон. — Алоқа бўлимида иккита колхоз аҳолисига хизмат кўрсатарди. Ҳозиргидек равон асфалт йўллар бўлмаган, одамлар уруш асоратларини энди тугата бошлаган пайт эди. Шунда эшакка почта қопларини юклаб ёмғир-қуёшларда уйма-уй кириб қанча-қанча газета, хатларни эгаларига етказиб берганман. Бирон кишига қаттиқ гапирмаганман. — Қария чўқур тин олиб ҳикоясини давом эттиради. — Уруш эңдигина бошланган эди. Акамиз иккаламиз бир эшелонда

фронгга жўнаганмиз. Украина, Беларусия фронтларида инсониятга ёв бўлган фашизмга қарши курашдим. Мана, ярим асрдан кўпроқ вақт ўтди. Почтада узоқ йиллар ишладим, дўстлар орттирдим. Бўлим бошлиғи Илёс Ҳабибуллаев билан узоқ вақт меҳнат қилиб, у киши нафақага чиққач шу алоқа бўлимига раҳбарлик қилдим. Шогирдлар етиштирдим. Шулардан бири ҳозирги алоқа бўлими бошлиғи Отажон Давлатиёров билан фахрланаман.

Сапарбой ота алоқачиларнинг қутилган меҳмони. Уни филиалда бўладиган маросимлар, байрамларга таклиф қилишиб туришади.

— Мен бахтиёр инсонман, — дейди Сапарбой ота. — Мана, саксон ёшни қаршилаётганман. Осмонинг мусаффо, элинг тинч бўлганига нима айтиш. Доимо юртимиз обод бўлсин. Ҳеч ким уруш каби қабоҳатни кўрмасин.

Бир неча марта алоқа раҳбариятининг таҳсинига сазовор бўлган кекса алоқачи Сапарбой отани таваллуд кунлари билан туман алоқачилари номидан чин қалбимиздан табриклаймиз. Эл-юрт бахтига шундай пиру бадавлат отахонлар омон бўлишсин.

Р.БЎЛТАБОВЕВ,
“Қорақалпоқ почтаси” АЖ
Хўжайли филиали

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан соҳанинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш мақсадида 2003 йили барча йўналишлар бўйича 52 та норматив ҳужжатлар тайёрлаш режалаштирилган.

Тайёрланаётган норматив ҳужжатлар алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги субъектларнинг фаолият юритишига беvosита тааллуқли бўлишини эътиборга олиб, Давлат алоқа инспекцияси ушбу норматив ҳужжатларнинг биринчи таҳрирдаги лойиҳаларини бундан буюб доимий равишда ўзининг www.gis.uz веб-сайти саҳифаларида жойлаштириб боради. Билимли ва малакали раҳбарлар ҳамда мутахассислар соҳада фаолият юритишда зарур бўлган мазкур норматив ҳужжатлар лойиҳаси билан танишиб чиқишга жалб этилади. Ўзингизнинг қимматли фикр-мулоҳазаларингиз билан сифатли норматив ҳужжатлар тайёрланишида иштирок этишингиз мумкин.

Веб-сайтими саҳифаларида қуйидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаси жойлаштирилган:

1. Телекоммуникация воситалари ва тизимларини таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, техник фойдаланиш. Атамалар ва уларнинг таърифлари.
2. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ўлчов бирликларини таъминлаш тизими. Е1 оқими параметрлари ўлчовларини бажариш услублари.
3. Ахборот технологиялари. Атамалар ва уларнинг таърифлари.
4. Телематика хизматлари. Видеоконференцалоқа хизмати. Умумий техник талаблар.
5. Телематика хизматлари. Хабарларга ишлов бериш хизмати. Умумий техник талаблар.
6. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги стандартлаштириш тизими. Уйғулаштирилган стандартларни расмийлаштириш қоидалари.
7. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг стандартлаштириш тизими. Хизмат стандартлари мазмунича талаблар.
8. Телекоммуникациялар соҳасида микрооператорлар фаолияти ҳақида Низом.
9. Урта ва кичик бизнес тадбиркорлари томонидан умумий фойдаланиш пунктиларида телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш тўғрисида Низом.
10. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг стандартлаштириш тизими. Норматив ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва расмийлаштириш тартиби.
11. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг стандартлаштириш тизими. Илмий-тадқиқот ишлари бўйича техник топшириқлар ва ҳисоботларни расмийлаштириш ва ишлаб чиқиш бўйича Йўриқнома.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри,
А.Толстой кўчаси, 1-уй.
Телефон: 133-04-53, Факс: 133-71-09.
E-mail: normativ@gis.uz
Интернетдаги веб-сайтими: www.gis.uz

Газетамизнинг ўтган сонида қуйидаги сарлавҳа остида мақола чоп этилганди. Бу сонда ҳам ўша мавозуга доир саволларга мутахассислар жавоби билан танишасиз.

1. Яқин бир йил ичида компютерларнинг қайси компонентларида кўпроқ ўзгариш бўлади? Революцион ўзгаришларни кўтиш керакми ёки босқичма-босқич ривожланиш давом этадими?

2. Бугунги кунда яхши компютер жамланмасининг нархи 1-1,5 минг долларни ташкил қилади. Бир йилдан сўнг тизимнинг нархи пасаядими ёки арзонлашгани билан баъзи компонентларнинг қимматлашиши оқибатида нархлар ўз ўрнида қоладими?

бўлмоқда, локал тармоқ ишининг тезлиги ошмоқда, қаттиқ дискларнинг қамрови кенгайи-

БИР ЙИЛДАН КЕЙИНГИ КОМПЮТЕРЛАР

Келажак ҳақида ўйлар



Алексей Наволокин, Intel корпорациясининг МДХ давлатларидаги ваколатхонаси бош директори:

1. 2003 йил давомида қатор ўзгаришлар рўй беради. Гап фақатгина Intel процессорларининг 3 гигагерцили чегарага кўтарилишида эмас, ҳозирда янги авлод ускуналари пайдо

моқда ва шу каби. Бугунги кунда компютерлар рақамли коинот марказига айланмоқда. Унинг ёрдамида инсонлар ўзаро муомала қилиши, ахборот алмашиб, янги машиналар яратиши, мусиқа ва фотосуратларни таҳрир қилиши мумкин. Ҳозирда мавжуд турли муаммо ва вазифаларни Extended PC концепцияси орқали ҳал қилиш кўзда тутилмоқда. Унинг асосида – Prescott кодли бўлғуси Intel процессорлари, Springdal оиласига мансуб чипсетлар ва симсиз улашнинг қатор жиҳатларини табиий равишда бир мақсадга йўналтириш ётибди. Мобил технологиялари оламиди ҳам кўп янгиликлар, хусусан сифатдан тортиб то узок умр кўришга мўлжалланган батареяларгача бўлган юқори портативли қурилмалар пайдо бўлиши кутилмоқда. Энг аввало бу Intel Banias микропроцессорининг дунёга келиши билан боғлиқ.

2. Шақ-шубҳасиз бугунда 1000 доллар баҳоланаётган тизим янада арзонлашади. Чунки Intel доимий равишда ўз процесорлари нархини пасайтириб

бормоқда. 0,13 мкм технологияларини жорий қилишдаги ютуқларимиз баҳони тушириб боришга ёрдам берди. Шу билан бирга янги махсулотларни ишлаб чиқишга ҳам имкон яратилди. Лекин “яхши буюм арзон бўлмайди” деган гап бор. Шунинг учун бугунги кунда ҳақиқатан ҳам “яхши” дея баҳоланган компютерни паст баҳода кўришимиз мумкин эмас.



Сергей Шуняев, Rover Computers президенти:

1. Биринчидан, CD-ROMлар кейинги йилда қарийб қолмас керак. Янги стандартдаги қиммат DVD (DVD double RW шаклидаги)лар пайдо бўлади. HDD кенглиги ошади. Ташқи интерфейс стандартлашмайди, FireWire ва USB ўртасидаги кураш давом этади. Таҳмин қилишим мумкинки, 15 дюймли LCD йўқолиб, камида 16-17 дюймлига айланади.

2. Баҳолар ҳам унчалик (кўпи билан 10-20 фоиз) тушмайди. Фақат компютер қисмларининг баҳоси анча ўзгариши мумкин.



“ОЛТИН САЙТ” ТАНЛОВИ ОММАВИЙЛАШМОҚДА

Яқинда Москванинг Халқаро савдо марказида “Олтин сайт” Интернет-танловининг ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танловнинг Гран-приси “Мумий Тролль” гуруҳининг янги сайтига насиб этди.

“Олтин сайт” – Россияда Интернет бўйича ташкил қилинган биринчи танлов бўлиб, 1998 йилдан буюн ўтказиб келинади. Танловнинг биринчи мартаба ўтказилишида қатор хато-ларга йўл қўйилган эди. Бироқ 2001 йилга келиб ўзининг бир неча янги кўринишлари билан барчани хурсанд қилди.

Сўнги икки йил ичида ҳам танловни ўтказиш шаклига анча янгиликлар

кирилди. Ҳакамларнинг ҳолис баҳолашлари учун



имкон яратилди ҳамда жойлардаги ғолиб ва совриндорлар кўпчилиги сабабли диплом ва совғаларни танловнинг пресс-конференциясида тақдим қилиш йўлга қўйилди.

Ҳозирда “Олтин сайт” танловининг нуфузи ошиб, кейинги йилларда иштирокчилар сони бундан ҳам ортиши кутилмоқда.

Internetdan olindi

Хитой, Корея ва Японияни IP манзиллари муаммоси ташвишга солмоқда.

Тарихда бўлиб ўтган баъзи воқеаларни унутган ҳолда уч мамлакат ҳукумати ва олимлари умумий фалокатни бартараф этиш учун ўз кучларини бирлаштирмоқда.

Муаммо шундан иборатки, ушбу давлатлар ихтиёридаги IP (Internet Protocol) манзиллари захираси тугаш арафасида турибди. Уша 32 битли кодларсиз 3G телефонлари ва чўнтак қурилмалари ўз кучини йўқотади ҳамда маълумот узатиш ва қабул қилишдан маҳрум бўлади. Бир неча йилдан сўнг манзиллар ниҳосига етади ва нафақат онлайн оламнинг, балки учалла Осиё мамлакатлари бутун иқтисодийнинг ҳам «вилдир»лари тўхтади.

Осиёда бундай вазиятнинг вужудга келишига 20 йил аввал белгиланган амалдаги IPv4 (IPнинг 4-шакли) жадвали сабаб бўлмоқда. Уша пайтларда жадвалга мувофиқ мазкур минтақага энг кам манзил ажратилган эди.

IPv4 жадвалида Хитойга 1,3 млрд.лик аҳоли билан бор йўли 22 млн. IP манзиллари берилган. Ўтган йили мазкур мамлакатда Интернетдан фойдаланувчилар сони 17 млн.га етди, 2007 йилга бориб эса улар сони 62,5 млн.га етиши кутилмоқда.

Япония ва Кореяда ҳам яқин кунларда шу аҳвол рўй беради. Қолаверса бу ҳисоб китобларда 3G телефонлари ва интеллектуал уй қурилмалари ишлатиладиган тўлқинлар ҳисобга олинмаган. Уларга ҳам манзиллар зарурлигича қолмоқда.

АҚШ ва Европа ҳозирча ўзини эркин тутмоқда, чунки ушбу минтақаларда IP манзилларининг асосий қисми ўрин олган. Масалан, америкаликларга мавжуд IP манзилларининг 70 фоизи тегишлидир.

Юқорида тилга олиб ўтилган Шарқ мамлакатлари ҳукумати янги IPv6 жадвалига умид билан қарамоқда ва айнан Осиё унинг амалга кiritилишини таъминлаш мумкин.

– IPv6да 128 битли рақам ишлатилади, шунинг учун манзиллар диапазони қарийб

ИНТЕРНЕТ ВА АКТ* СОҲАСИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР



чексизга айланади, – дейди Гэмбл. – Шу билан бир қаторда IPv6 бошқа имкониятларга ҳам эга.

IPv6да кўп манзиллар вақтинча ишлатилади. Ҳар сафар мазкур тармоққа уланганда қурилма умумий манзиллар ичидан ўзига бўш манзилни танлайди. “IPv6 кенг қамровлиги, бошқаруви, самардорлиги ва хавфсизлиги бўйича юқори баҳоларга эга”, – қўшимча қилади Гэмбл.

Хитой ва Япония IPv6ни ривожлантириш учун миллионлар сарфляяпти. Масалан, ўтган йилнинг июн ойида бу икки мамлакат ҳукумати тармоқнинг қурилиши ва тестлаштирилиши учун 32 млн. АҚШ доллари миқдориди маблағ ажратди. Nikkei Electronics ахборот агентлигининг маълум қилишча, жорий йили Хитойда Япониянинг Hitachi фирмаси Интернет-сервис-провайдер сифатида иш бошлайди ва бу мамлакатда ҳамда бутун дунёда биринчи бўлиб мижозларга IPv6 манзилларини тақдир қилади. Бироқ бошқа қитъаларнинг фирмалари – Nortel, Cisco, Nokia ва бошқалар бир неча йилдики IPv6ни ўз махсулотларида реклама қилиб келади. “Аксарият корхоналар ўз махсулотларида IPv6 ва IPv4нинг ўзаро жамланмасини уйғунлаштиришга ҳаракат қилади ва шу тарафда IPv6 тармоғининг кенгайиши бутун дунё бўйлаб бир маромда

давом этади. Ҳар иккала стандарт яна кўп йиллар ўз кучини сақлаб қолади... Шунинг учун ҳам бу борда қатор қарорлар тайёрланган”, – дейди Гэмбл.

Вақт келиб, Тинч океани икки Интернет ўртасидаги чегарага айланади: “Шундай вазият пайдо бўлиши мумкинки, Осиё IPv6ни анча тез ўзлаштиради, Шимолий Америка эса ортада қолиб кетади”. Албатта, қачондир тармоқнинг асосини ташкил қилувчи домен серверлари, коммутаторлар ва йўналтирувчилар дунё бўйлаб бирлашади ва яна Интернет эгона тармоққа айланади. Лекин ҳозирча Осиё ёлғиз ҳаракат қилишга тўғри келади. “Шимолий Америкада IPv6га кенг масштабда ўтиш ҳали бир неча йил давомида амалга ошмайди”, – дея ишонч билдиради Гэмбл.

Онлайинли савдолар.

Жорий йилнинг 15 май куни Shop.org ва Forrester Research АҚШда B2C электрон савдо сектори бўйича сўнгги таҳлилларига баҳо бераркан, онлайн савдоси 2002 йили олдинги йилга нисбатан 48 фоиз ошганини маълум қилди. Тадқиқотлар онлайн савдоси миқдори ўтган йили 76 млрд. АҚШ долларини ташкил этганини кўрсатмоқда. Компанияларнинг таҳминича, 2003 йили сотув миқдори анча ошади ва йил охирига бориб 96 млрд. АҚШ долларига етади. Онлайин савдосининг ўн икки электрон савдо билан кенг қамровли тижоратнинг бир йўналиши сифатида шуғулланаётган компаниялар ҳисобига бўлиши мумкин.

eMarketer таҳлилчилари таъкидлашларича, юқорида келтириб ўтилган 76 млрд. долларга сўрағчиликка оид онлайинли савдолар киритилмаган. Мазкур йўналиш B2C электрон тижоратнинг учдан бирини ташкил қилади. eMarketer тадқиқотлари ўтган йили онлайин савдолари АҚШда 70,3 млрд. долларни ташкил этган бўлса, шундан 45,53 млрд.

АҚШ доллари сўрағчилик соҳасисиз ишлаб топишган.

Айни вақтда дунё бўйлаб 500 млн. Интернет фойдаланувчилари ва қарийб 60 млн. мобил Интернет мижозлари мавжуд. Яқин 5-6 йил ичида Интернет ривожланиши компютерлар, абонентлик линиялари, хост-компютер ва мобил телефони сонининг ортиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолади.

Электрон ҳужжат алмашинуви бозори жадал ривожланмоқда.

Ҳужжатлар билан эскича (қоғоз шаклида) муомала қилиш дунёда ахборот миқдори ошиб бораётган бир вақтда харажати кўпайтиради, холос. Корхоналарда архив ишлари, матбуот нашрлари йиғиндиси, ёзма маълумотлар ва бошқаларни сақлашга анча вақт сарф бўлади. Керакли ҳужжатларни ахтариш ва сақлашга ҳолимнинг бир йил ичида бир ой вақти кетар экан. Шунда ҳам 15 фоиз қоғоз ҳужжатлар эзсиз йўқолади. Бу муаммоларни ечиш учун маълумотли қоғозсиз бошқарув технологиялари ташкилоти жалб қилиниши лозим.

Электрон ҳужжат алмашинуви тизими юқори нарҳда бўлишига қарамай, кўпгина ишлаб чиқарувчилар иқтисодий ҳисоб-китобларга асосланган ҳайратланарли маълумотларни келтиришмоқда. Уларнинг фикрича тизимни жорий қилишга кетадиган харажатлар корхонанинг мўлҳабати ва автоматлаштирилган даражасидан қатъи назар олти ойдан бир ярим йилгача бўлган вақт оралиғида тўлиқ ўзини қоплайди. Агар буни йирик корхоналарда аллақачон тушуниб етишган бўлса, ҳозирда электрон ҳужжат алмашинуви ташкилотларига ўрта ва кичик бизнес вакиллари кўпроқ қизиқишмоқда.

*Ахборот-коммуникация технологиялари

«UzInfoCom» маркази материаллари асосида тайёрланди

Дэвид Дэвиднига уч ёшга тулганида отаси уларни ташлаб кетади. Булажак юлдуз онаси билан кун куриш учун штатмаштаб юришга тури келади. Бола 11 ёшга киргандагина улар АКШ жанубидаги кичкина бир шаҳарчага муқим жойлашади.

Дэвид 17 ёшида Манхэттенга боради ва актёрлик мутахассислиги курсига ёзилади ҳамда пул топиш мақсадида клубларда турли хил фокус ва томошалар кўрсата бошлайди. Блейн ўзининг трюклари хақида ун дақиқалик роликни тасвирга олди. Шундан сунг уни "Дэвид Блейн. Кўчадаги сеҳрарлик" номи телесюжетни суратга олиш учун таклиф қилишди. Фим гонорари роппа-роса бир миллион долларни ташкил этди. Шундай қилиб, ёш йигит шаҳарнинг энг бой ва қиммат клубларида намоиш этилаётган шоу дастурларда асосий иштирокчига айланади.

Блейннинг сунги трюкни миллион-

ла б а м е р и - к а л и к - л а р т у р и д а н - т у р г и э ф и р д а к у з а т и б б о р и ш д и .

К у р и л и ш

ё р д а м и д а

и р н а т и л г а н

24 м е т р д и

у с т у н г а ч и қ и б

о л д и .

Д и а м е т р и 55 с м

б ў л г а н

у с т у н н и н г т е п а с и

д а Дэвид т и к о ё қ

д а о в қ а т с и з , с у в с и з ,

у й қ у с и з қ а р и й

35 с о а т

т у р д и .

Х а в ф и з и қ л и к н и

т а ғ м и н л а ш э с а

м и н и м у м д а р а ж а

д а — о ё г и г а

б о р л а н г а н

к а л т а и п у н и

к у ч л и ш а м о л

д а й қ и л и б

к е т и ш д а н с а қ

д а ш и л о з и м

э д и .

Б и р я р и м к у н

т у р г а н и д а н

с ў н г

о л о м о н н и н г

қ а р с а қ л а р и

о с т и д а

ҳ е ч қ а н д а й

ҳ и м о с и з

б и р т ў д а

к а р т о н

к у т л а р

у с т и г а

с а қ р а д и .

У

ж а р о ҳ а т л а н

м а д а , б и р о қ

д а р ҳ о л

т и б и й

т е к ш и р у в

г а ж а б

қ и л и ш

д и .

Б у

т р ю к

к а б и р

й и л

т а й ё р

г а р л и к

қ у р и л

д и .

Ш о у г а

т ў р т

к у н

қ о л

Мен фокус кўрсатмайман, инсон имкониятлари мўъжизасини кўрсатаман, дейди ўз трюклари хақида Дэвид Блейн. Унинг трюк-синовлари Америка ва бошқа мамлакатларни забт этди. Машҳур Дэвид Копперфилд уни ўзининг асосий рақобатчиси ҳисоблайди. Лекин Блейн ўзини сеҳргар эмас, одатдан ташқари имкониятларга эга оддий инсон деб билади.

АЖАБ ДУНYO

трюк секундида 100 минг кадр тезликда тасвирга олинди. Қизиқувчилар ва экспертлар ўқнинг тушпонадан қандай чиққанию тана қисмида қандай из қолдирганини ўз кўзлари билан куришди...

Блейн ўқ отувчидан бор-йўғи 10 метр узоқликда туриб тирик қолди! У ўрнидан туриб ҳеч нарса кўрмагандай ўқни улоқтирдию кетди.

Дэвиднинг энг машҳур трюки 2000 йилнинг ноябрида бўлиб ўтди. Нью-Йоркнинг

иссиқликдан муз эриб оралик кенгайган ва Дэвиднинг кийиниб олишига имкон пайдо бўлган.

Синов давомида Дэвиднинг жисмоний ҳолати кўп туриш оқибатида оёғи ва орқасидаги мушак тортишларини ҳисобга олмаганда нормал ҳолатда бўлди. Тана



«ЛЕЗВИЯ УСТИДА ЮГУРУВЧИ»

Таймс-сквердаги олти тонналик муз ичида 61 соат давомида тик турди. Муз ичига кўвурчалар орқали ҳаво ва сув кирдири, холос. Муз ораси танага мослаб кесилганди. У шунчалик тор эдики, Дэвид на ўтира олар, на орта қайрила олар ва на қўлини кўтара олар эди. Шундай бўлсада оралик танани музга теккизмай туриш учун етарли эди. Трюкчида пойфазал, шим ва тўқима бош кийим бор эди. У шу вақт ичида аввалги тўрт кун сингари ҳеч нарса тановул қилмади. Қон айланганини бир маромда ушлаб туриш учун, Блейн гавдасини ҳаракатлантриб (секин сакради, бошини қимирлатди) турди.

Дэвидга ассистентлик қилган шифокорларни хавотирга солган энг катта хавф — бу юрак-қон томирларининг ишдан чиқishi мумкинлиги эди. Шунинг учун ичиш учун бериладиган сувга қонни ҳаракатлантривчи дори қўшилди. Бундан ташқари, муз асир сифатида бир кунни ўтказадан сунг Блейн кечаси ҳеч қимнинг йўғида белидан пастга тушириб қўйилган жемперини кийиб олди. Тонгда ҳамма уни кийимда қуриб ҳайратга тушди. Ахир, ораликда қўли кўтаришининг ҳам иложи йўқ эди-ку, қандай қилиб?! Маълум бўлишича, 12 соат давомида танадан чиққан

харорати метрида: 36,1 дан 36,6 градусгача, юрак уриши — минутига 100 мартадан ортиқроқ, Трюкка тайёргарлик ҳам жиддий кечди: Дэвид соатлаб доимий равишда муз солиниб турган сув ичида ўтирди. Блейн тана хароратини 33,7 градусгача туширишга эришди — бу "муз устидан галаба қилиш"нинг асосий омилли бўлди...

Фақат бир боргина шифокорлар чинакамига қўркувини бошдан кечиришди. Иккичи кунни тўсатдан Блейннинг юрак уриши ёмонлашди. Бироқ вазият тезда тўғриланди: ассистентларнинг аниқлашича, кимдир тасоддиан сув юбориб турилган кувурчани босиб олган экан.

Дэвид 61 соат 40 дақиқаю 15 сония утиб "озодлик"ка чиқди. Бунга қадар муз орасида туриш рекорди бор-йўғи 57 минутдан иборат эди. (Бундан ортиғига ҳеч ким чидай олмаган). Бироқ Блейн барчани яна бир бор ажаблантира олди. У ўз мақсадини бажариб иссиқроқ жойларга, чўнтағидаги навбатдаги миллион билан дам олишга жўнади. Узи голибларнинг эътиқоди шунақа. Шунингдек, ўз вужуди устидан галаба қилганларнинг ҳам...

А.САИДУРDOV тайёрлади

BU - QIZIQ!

УЗОҚ УМР СИРИ

Хитойдаги Гуанси-Чжуан вилояти аҳолиси узоқ яшашнинг ўзига хос сирини топишди. Вилоятдаги 300 минг аҳолининг 73 нафари юз ёшлик маррадан ўтишган. Хитойликларнинг ўзлари эса гурuch мусалласини мангу ёшлик рецепти деб билишади ва эрталабдан кечгача уни оз-оздан ичишади, шу билан бирга кунига икки марта канош уруғидан тайёрланган шўрва ҳам истеъмол қилишади.



Карам етиштира бошланганига 4000 йилдан ошди. Картошка пайдо

бўлгунча у бобокалонларимизнинг овқатланишида асосий ўрин тутган. Уни жуда эъзозлашади. Ахир карам бунга муносиб, чунки унинг барглари витаминлар, минерал тузалари, кальций, фосфор, шунингдек, биз учун лозим бўлган кислоталар билан бойдир. Карамни тузлаш эса кўчманчи-мўғуллардан қолган. Хитойлар биринчи бўлиб ундан фойдаланишган ва эра-миздан аввалги III асрда Буюк Хитой деворининг қурилишида сон-саноксим ишчиларни тузланган карам билан боқшган.

МУЗАЛТИАГАН ШИРИНЛИКЛАР

Муз-қаймоқнинг маълум бўлган дастлабки рецептлари қадимги Хитой империяси даврларидан бери сақланиб келмоқда. Бу ерда Исо пайгамбар туғилишидан 3000 йил муқаддам газандлар музалтилан шарбатлар, қаймоқ ва шакардан ширинликлар тайёрлашни ўрганишган. Сал кейинроқ Қадимги Шарқда, кейинчалик эса Қадимги Юнонистонда ҳам музқаймоқлар пайдо бўлган. Машҳур Гиппократ музалтилан шарбатларнинг шифобахш хусусиятларини тарғиб қилган ва ҳаммага уни истеъмол қилишни тавсия этган.

САЛАТЛАРНИНГ БОБОКАЛОН И



Хозирги салат ўсимлигининг бобокалони бўлиш латуқ салатининг энг қадимги тасвирлари бундан 6000 йил муқаддам яратилган Миср суратларида учра-тилган. Узоқ вақтларгача бу салат зифатларининг охирида дастурхонга тортилган. Император Домидан даврида уни тановул олдидан бера бошлашган. Россияда бу гаройиб барглр узоқ вақтгача аслзодаларнинг ошхонасидан ташқарига чиқмаган. Ута сир туғиладиган рецептлар асосида денгизорти таомларини тайёрлашни ўрганган газанда — "салатъ"ларни рус тўралари Франциядан махсус таклиф этишарди. Фақатгина XIX асрга келибгина бу "келгинди" мўъжиза ҳисобланмай қолди.

ЁЗУВЧИ БАШОРАТИ

Константин Циолковскийнинг айтишича, космик училар ҳақидаги фикрлар унда Жюл Верн китобларини ўқигач туғилган экан. Жюл Верн кўплаб буюк кашфиётлар ва ихтиролар-ни уларнинг ўзи ҳаётда пайдо бўлишидан анча аввал башорат қилган. Ёзувчи сув ости кемаси, самолёт, вертолёт, радио-телевидение, кино, электро-двигател, космик училар, ҳатто одам организмидаги аъзоларни алмаштиришни ҳам олдиндан айтиб берган.

BILASIZMI?

- Илгари Жанубий Африка Республикасида иккита расмий тил бўлган бўлса, ҳозир ўн иккита.
- "Вирус" сўзи "заҳар" деган маънони билдиради.
- Америкалик Пит Руфф бумеранг билан ўз бошидаги олмани уриб туширади.
- "Марлборо" компаниясининг биринчи хўжайини Гес ўпка ракидан вафот этган.

ЎХИССИЁТГА ЎРИН ҚОЛМАДИ

- Озгина соғлом ақл кўпгина қўйди-чиқдилар ва бундан ҳам кўпроқ никоҳларнинг олдини олган бўлур эди.
- Қўйди-чиқдилар сўнг ҳар икки хонадондаги оналар хитоб қилишди: "Ахир мен айтгандим-ку!"
- Улар баҳорда турмуш қуриб, то кеч кузгача тинч-тотув яшадилар.
- Кўпчилик қизлар ёлғиз қолмаслик учун турмушга чиқадилар ва худди шу сабабга кўра ажрашадилар.
- Айрим аёллар молиявий манфаат нуқтаи назаридан эрга тегадилар, бошқалари эса худди шу масала туфайли ажрашадилар.
- Эрталаб ўзига нонушта тайёрлашни истамагани учун уйланди, икки кишига нонушта хозирлашни истамагани туфайли ажрашди.
- Кўшни ажрашганда ҳар ким ўз хотинини ўйлайди.
- Аёл ва эркак ўртасидаги дўстлик оқшом чўкиши билан заифлаша бошлайди.
- Тунда ҳеч ким қизармайди.

Ш.ЭРГАШЕВ тайёрлаган

МУАССИС:

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир:
Орифжон
МУХАММАДЖОНОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Шодмон ОТАБЕК,
Ўзат АХМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосарлари),
Алишер ХУЖАЕВ,
Шухрат ЖАББОР,
Мирғўлнат МИРЗО,
Рустам ҚОСИМОВ

Манзил: м.к. 700000, Тошкент-35,
А. Толстой кўчаси, 1-уй.
Тел.: 136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42
Habar@aci.uz
Индекс: 64600
Жума кунлари чиқади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат маъбуот қўмағида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.
Газета тахририят компютер базасида терилди ва сақланган.
Мата тюрени: Д.МАТКУРБОНОВА
Саҳифаловчи: Ш.КИМсанБОВЕВ
Босилга топширилди — 18.00
Босилга топшириш вақти — 18.00

Буортма № Г-514,
8970 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ,
«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АҚЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.